



**Ислом КАРИМОВ**

**ОЗОДЛИК ҲАВОСИДАН ТЎЙИБ  
НАФАС ОЛГАН ХАЛҚ ЎЗ ЙЎЛИДАН  
ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАЙТМАЙДИ**

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2016

УЎК 323.(575.1) - *Ўзбекистон*  
КБК 66.3(5Ў)  
К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 2016 йил 30 июнь куни Сурхондарё вилоятида бўлди. Ушбу китобдан ана шу сафар давомида давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, улар нафақат мазкур вилоят, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

2016/108 А 5544	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

ISBN 978-9943-28-772-3

*демократ*

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2016

---

---

Президентимиз Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига ташрифини Термиз шаҳрида миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.

– Ўзбекистоннинг ўзига хос тимсолига айланган мана шу Мотамсаро она ҳайкали пойига келиб, таъзим қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Халқимизда эзгу бир тушунча, ҳаётий қоида бор, яъни, яхшиликка доим яхшилик қайтади. Агар яхшилик қилган одамнинг ўзига қайтмаса, фарзандларига, набираларига қайтади. Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган мана шундай хислат ва фазилатлар борки, биз улардан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Фарзандларимизни, ёш авлодимизни ҳам шу руҳда тарбиялаймиз.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа шуки, Сурхондарё вилоятини, унинг маркази бўлган Термиз шаҳрини янада гўзал ва замонавий қилиш, жанубий чегараларимизда яшаётган халқимизнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтиришдир. Ана шу мақсадга эришиш, Сурхондарё ҳамма

ҳавас билан қарайдиган даражага етиши учун мамлакатимизнинг тобора ўсиб бораётган имкониятларидан фойдаланиб, кейинги вақтда 1 триллион 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратдик.

Мана, атрофга қаранг, Термиз шаҳри тобора қандай чиройли ва обод бўлиб борапти. Лекин Сурхондарё ҳақиқий Сурхондарё бўлиб, бутун Ўзбекистонга ўзини кўрсатиши, намоён этиши керак.

Мана шундай мажмуани, мана бу ҳайкални барпо этганингиз учун сизларга, сизлар орқали бутун Сурхон аҳлига миннатдорлик билдириб, таъзим қиламан.

Бундай муқаддас маънавият масканларини, бундай ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш, уларни сақлаш, ҳар томонлама гўзал қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай зиёратгоҳларга келган ҳар қайси одам аввало Мотамсаро онанинг кўзига қараши керак. Онанинг қиёфаси, юзи, кўзи нима учун мунгли эканининг сабабларини англаб етиши керак.

Такрор айтаман, биз яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган халқмиз. Бугунги ёруғ кунларимиз учун жон фидо қилган, қаҳрамонона меҳнат қилган одамларни ҳамиша ёдда сақлашимиз, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишимиз лозим. Юртимизда, она заминимизда истиқомат қилаётган ҳар қайси инсон мана

шундай кайфият билан яшаса, бу эзгу ва савобли ишга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшяпман, деб, меҳнат қилса, бу бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади.

Энг муҳими, биз – Оллоҳнинг назари тушган мана шундай заминда яшаётган инсонлар бу марҳамати учун ҳар куни эрталаб туриб, пок бўлиб, Яратганимизга шукроналигимизни, миннатдорлигимизни айтишимиз керак.

Бу табаррук масканни янада обод қилишимиз лозим. Масалан, бу ерга келадиган зиёратчилар дам оладиган, ёнидан сув оқиб ўтадиган салқин жойларни, ўриндиқларни ҳам ташкил қилиш керак. Ўз навбатида ёшлар ҳам бундай жойларга тез-тез келиб турса, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати бундай мажмуаларни ўз назоратига олса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Бундай ишларни ҳар томонлама савобли иш деймиз. «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган гапни мен 1991 йили айтган эдим. Мана, орадан 25 йил ўтди ва бу даъват бутун эл-юртимизнинг қалбидан, юрагидан чуқур ўрин олиб, ҳаётда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Халқимизда қийинчилик кўрмаган одам мусулмон бўлмайди, деган гап бор. Бу жуда тўғри гап. Бир бурда нонга муҳтож бўлмаган одам ҳеч қачон унинг қадрига ета олмайди.

Ҳозир бу ҳақда гапиришни истамайман-у, лекин, қанча бадавлат яшасак, кечаги кунларимизни ҳам эслаб туришимиз лозим. Нега деганда, баъзи бир одамлар бугунги кунимизнинг қадрини билмасдан, тўқликка шўхлик қилиши мумкин. Шу маънода, шукроналик туйғусини болаларимизга етказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бугунги обод ва фаровон ҳаёт ойдан тушаётгани йўқ. Шунинг учун ҳаётнинг оғир кунларини ҳам, бугунги ёруғ кунларни ҳам кўрган ҳурматли қарияларимиз, фахрийларимиз бу масалада ўзини бурчли деб билиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида ким эдигу ким бўлдик, деган ҳақиқатни қанча кўп тушунтирса, юртимиз шунча гўзал, ҳаётимиз янада мазмунли бўлади.

Бугунги кунда юртимизда оддий одамнинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг авваламбор ўз мустақил фикри, ҳаётга қараши ва муносабати бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ҳов ана, юқорида раҳбарлар ўтирибди, нима иш қилишни улар билади, биз фақат есть қиламиз» деган гапларни эски замон ўзи билан олиб кетди. Мен шахсан бундай гапларга, бундай қарашга мутлақо қаршиман. Биз бугун кимни тарбия-ляяпмиз? Биз ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз онгу тафаккури ва билимига суянадиган ёшларни, янги замон авлодини тарбияляяпмиз.

Онгли инсон бу оламда ўзи нима учун яшайман, нима учун ҳаёт айна шундай қийинчилик ва доимий курашлардан иборат, ютуқ ва марраларга қандай қийинчиликлар билан эришяпмиз, деган саволлар устида албатта ўйлайди, мулоҳаза юритади. Бу ҳаётда ҳеч нарса осонликча келмайди. Агар осон келса, осон кетади. Инсон бир нарсага қийинчилик билан эришса, албатта унинг қадрига етади. Ҳаётда ҳар томонлама асосга эга бўлган ишларгина умрбод қолади.

Кўп жойларда, жумладан, Сурхондарёда ҳам баъзи одамлар бизга бўлаверади, деган кайфиятдан ҳамон қутула олгани йўқ. Тўғри, бу ерда иқлим шароити оғир, жанубдан афғон шамоли эсади. Лекин шу юртни обод қилиш, жаннатга айлантириш – бизнинг вазифамиз. Одамларнинг, авваламбор ёшларнинг бу масалага муносабатини ўзгартириш керак.

Мен Сурхон воҳасига келганимда доимо Ҳаким Термизий мажмуасини зиёрат қиламан. Ўтган сафар бу жойдаги баъзи дарахтлар қуриётганини кўриб, жуда хафа бўлдим. Шундан кейин раҳбарларга қарата, мана, бу зиёратгоҳни шу даражада обод қилиб, сизлар учун тайёрлаб бердик, қанча-қанча маблағ ажратдик, қанча дарахтлар экдик, энди шуни асраб-авайлаш, дов-дарахтларга қараб туриш сизларнинг вазифангиз эмасми? Ахир, раҳбар дегани эрта-

лаб келиб, шу ерни бир айланиб чикса, бўлмай-дими? Шундай жойни гуллатиб, эл-юртнинг розилигини олиш – бу раҳбар учун энг катта бурч эмасми, деган аччиқ гапларни айтиб, баъзи мутасаддиларни ишдан олишга ҳам тўғри келган эди.

Нега деганда, биз бугун мутлақо янги бир йўлдан кетяпмиз, энди бепарво бўлишга, бизга бўлаверади, деб яшашга ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ. Мана шундай жаннат жойда, Худонинг назари тушган масканда ҳеч ким «бисмилло» демасдан бирор ишни бошламайди-ку, тўғрими? Бу – қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган одат. Шу нуқтаи назардан қараганда, буни унутиш, мана шундай муқаддас жойга бепарво муносабатда бўлиш асло мумкин эмас. Бу масалада ташаббус аввало куйидан, жойлардан чиқиши керак.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрида барпо этилаётган Санъат саройи биносини кўздан кечириб, қурилиш ишларини такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

Мамлакатимиз Президенти шу куни Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, бу тарихий обидани асраб-авайлаб сақлаш, унинг атрофини янада обод қилиш юзасидан куйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилди.

– Биз Бухорода буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини тубдан қайта бунёд

этдик. Улуғ аллома Ҳаким Термизий бобомиз мақбарасининг ички безакларини ана шу тажрибадан келиб чиқиб, янада бойитиш мақсадида алоҳида лойиҳа тайёрлаш лозим. Лойиҳачи ташкилот, биринчи навбатда, бу масаланинг миллий ва диний томонларини албатта ҳисобга олиши зарур. Биз бу табаррук масканда шу пайтга қадар кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик, лекин, очиғини айтганда, мақбаранинг ички кўриниши анча камтарона қиёфада қолмоқда. Мана бу ғиштан қилинган жойларга бошқача бир нақш ва зийнат бериш, бунинг учун, айтайлик, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврига мансуб безакларни, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий зиёратгоҳида амалга оширилган таъмирлаш ишларини атрофлича ўрганиш керак. Айни вақтда ҳар бир ишни шошилмасдан, етти марта ўлчаб, бир марта кесган ҳолда, ҳар томонлама ўйлаб, амалга ошириш зарур. Тошкент шаҳридаги Минор масжиди курилишида иштирок этган энг тажрибали ва маҳоратли усталарни ҳам бу ишга жалб этиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ишлардан мақсад – Ҳаким Термизий бобомиз руҳи покларини улуғлаш, бу буюк зотнинг хотираси олдида фарзандлик бурчимизни адо этишдан иборат. Бу мақбарани шундай таъмирлаш керакки, уни кўрганда

уста ва меъморларимизнинг ишига, халқимизнинг аждодларимиз руҳига кўрсатаётган юксак ҳурмат-эҳтиромига ҳамма ҳайратда қолсин.

Президентимиз Термиз туманидаги «Янги-ариқ пахтакори» фермер хўжалиги даласида бўлиб, деҳқон ва фермерлар, вилоят фаоллари билан самимий суҳбатлашди.

– Авваламбор сиз, азизларни соғ-саломат кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этаман. Кўпдан буён сизлар билан учрашмаганимиз учун, очигини айтсам, сизларни соғинганимни ҳам айтмоқчиман. Нега деганда, менинг тасаввуримда Сурхондарёнинг ўзига хос ўрни бор ва қалбимда Сурхон элига алоҳида меҳр, эътибор бор.

Бир вақтлар Сурхондарёда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган бир одам, бизга ёзда ҳеч ким келмайди, чунки ҳаво жуда иссиқ, гармсел эсиб, афғон шамоли кўзни очирмайди, деган гаплар билан бошқаларни кўрkitмоқчи бўларди. Ўтмишда қолган ана шундай номаъқул гапларни эслаб, ўзимизга фақат битта саволни берсак, табиий бўлади: Сурхон заминида ким қандай из қолдирди?

Агар чуқур ўйлаб, холисона баҳо берадиган бўлсак, Сурхондарё ҳақида шундай бўлмағур фикрларни тарқатиб юрган бу одамларнинг ўзи ҳам бу юртда вақтинча ўтирганини яхши

биларди. Ҳолбуки, Сурхондарёни, унинг қадимий ва бой тарихини, ранг-баранг табиатини ҳар томонлама билиш учун бу ўлкага меҳр қўйиш, унинг мард ва олижаноб халқи билан бирга яшаш, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтиш керак эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз Сурхондарё деганда, ғурури тоғларидек баланд, мардлик ва матонатни юксак қадрлайдиган, Алпомишдек паҳлавон ўғлонлар, Барчинойдек барно қизларни тарбиялаб вояга етказётган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига, ўз қадрият ва урф-одатларига содиқ бўлиб яшайдиган, танти ва меҳнаткаш элни тушунамиз.

2014 йилда Термиз шаҳрига Амир Темур орденини топшираётган пайтда мен Сурхондарё халқининг ҳаммамизда алоҳида ҳурмат ва эътибор уйғотадиган яна бир хислати, белги-аломати борки, у ҳам бўлса, сизларнинг мамлакатимизнинг жанубий чегараларида бамисоли метин қалъа-қўрғон бўлиб келаётганингиздир, деб таъкидлаган эдим. Ҳақиқатан ҳам, Сурхондарёда Ватанимиз сарҳадларининг ҳимоячилари яшайди, десам, буни юрагимда Сурхон халқига, сурхондарёлик ёшларга бўлган меҳримнинг яна бир ифодаси, деб қабул қилишингизни сўрайман. Ўйлайманки, доимо биз учун тинчлик ва омонлик керак, деб яшайдиган халқимиз сизларнинг бу бора-

даги ўрнингиз, хизматингизни яхши англайди ва юксак қадрлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сизлар билан бугунги учрашувимизни шу юртда яшаётган барча инсонлар билан учрашув деб биламан. Бугунги кунда телевидение орқали шундай катта имкониятларга эга бўлдикки, суҳбатимизда билдириладиган барча фикр-мулоҳазалар ҳақида бутун эл-юртимиз хабардор бўлади. Бу ерга келишимдан олдин менга Сурхондарё ва Қашқадарёда бугун 43 даража иссиқ бўлар экан, деган гапларни айтиб, бошқача бир таассурот уйғотишга секин ҳаракат қилганлар ҳам бўлди. Мана, соат 11 дан ошди, майли, кун ўзи кўрсатади қандай иссиқ бўлишини, лекин мен ҳозирча Сурхондарёнинг жазирамасини сезмаяпман. Хоҳлаган одам буни сезади, хоҳламаган одам сезмайди, демоқчиман.

Сизларга бир фикрни очиқ айтишим керак. Мана, сизлар Сурхон воҳасида яшайсиз, мен бу ердан бошқа жойларга кўчиб ўтганлар тўғрисида камдан-кам эшитаман. Шу масалага қизиқаман, лекин бундайларни камдан-кам учратаман. Бунинг хислати, сабаби – аввало, Сурхон элининг юртпарварлиги, ўз туғилиб ўсган жойига садоқати билан боғлиқ, десам, тўғри бўлади.

Бугунги кунда вилоятда ҳар куни кўплаб янгиликлар бўляпти, катта ишлар амалга оширилмоқда. Мана, жорий йилнинг бошидан буён бўлиб ўтган турли воқеаларни хаёлимиздан ўтказадиган бўлсак, бир нарсани алоҳида урғу бериб айтиш мумкин – Сурхон халқи ҳаётида бу йил омадли келяпти, десам, нима дейсизлар?

Бунинг асосий сабаби авваламбор сизларнинг мана шундай соғ-саломат эканингиз, ҳаммангиз Худо берган кунларни – майли, иссиқ бўлсаям, ўзимизнинг иссиқ – оила даврасида ўтказаяётганингиз, десам, бу ҳам тўғри бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаммамиз соғ-омон, тинч-хотиржам бўлсак, бундан катта ютуқ бўлиши мумкинми ўзи? Энг муҳими, бизга тинчлик керак, омонлик керак. Ҳаммамизнинг интилишимиз, тилагимиз, умидимиз, орзуимиз шу.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда ҳаммамиз бугунги кунимиз кечаги кунимиздан ҳам ёруғ бўлиши, янада катта натижаларга эришишимиз, мамлакатимизнинг салоҳияти ўсишини орзу-ният қилиб, шу ҳақда ўйлаб, меҳнат қиляпмиз. Одам зоти борки, албатта бир умид билан яшайди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, ҳаммамизни бирлаштириб турадиган улуғ бир орзу, мақсад борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йил

бутун эл-юртимиз билан биргаликда мустақил, озод ва обод Ўзбекистонимизнинг 25 йиллик тўйини кенг нишонлаймиз. Айтмоқчиманки, Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаёти кечаги турмушидан албатта яхши бўлиши, эртанги кунимиз эса ундан ҳам ёруғ, ҳар томонлама файзли, тароватли бўлиши керак.

Энг муҳими, бу йилги мустақиллик байрамининг бош ғояси сифатида танланган «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган даъваткор сўзлар эл-юртимизнинг қалбида, юрагида чуқур акс садо бермоқда. Чиндан ҳам, бугун юртимизда она Ватан учун, эл учун яшаш олий бахт экани, ўтган 25 йил давомида амалга оширган ишларимиз, эришган улкан ютуқларимиз ҳақида чуқур ўйлаб, бугунги кунимизни кечаги кунимиз билан қиёслаш, солиштириш ҳисобидан «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол устида мулоҳаза юритмайдиган одам топилмаса керак. Мен кеча ким эдим, менинг қариндошларим, менинг атрофимдаги одамлар, эл-юртим кеча қандай яшаган эди, собиқ Марказдан юборилган «десантчи»лар халқимизнинг бошига қандай кунларни солган эди, деган саволлар ҳақида ўйламайдиган одам бугун орамизда бўлмаса керак.





# Буёунги Сурхондирё















Мустақиллик туфайли биз миллий ўзлимиз, кадр-қимматимизни англаганимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқимиз, дину диёнатимиз, шаъну ғуруримиз тиклангани, бугунги кунда Ўзбекистонимиз қандай тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, дунё тан олаётган улкан натижаларни кўлга киритаётганимиз, келажакка, ўз куч ва имкониятларимизга ишонч билан яшаш ҳаётимиз мазмунига, қондасига айлангани ҳақида фахр билан гапирмайдиган юртдошимизни учратишнинг ўзи қийин.

Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо мероснинг ворисларимиз, деган саволларга жавобни бугун халқимиз, авваламбор мактабда ўқиётган болаларимиз ёддан билади. Бу – бизнинг жуда катта ютуғимиз. Шу тўғрида гапирадиган бўлсак, Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби кўплаб алломаларимизни, буюк саркарда Амир Темур бобомизни ёш авлодимиз биздан ҳам кўпроқ билади.

Мен солиштириш, қиёслаш ҳисобидан айни шу ҳақиқатни айтяпман. Мактабда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқиётган болаларимиз бугун шундай ғурур билан майдонга ҳал қилувчи куч бўлиб чиқяптики, онгли яшаётган ҳар қандай одам бунга албатта ҳар томонлама ўз баҳосини

беради. Агар болаларимизнинг кўзига, юзига қарасангиз, улар худди энди очилиб келаётган гулғунчани эслатади. Ана шундай навқирон авлод сафимизга кириб келаётгани бизнинг келажагимиз янада ёруғ бўлишидан далолат беради.

Албатта, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган ва бўлмайди ҳам, бу ҳаёт ҳақиқати. Лекин мен бир фикрни айтсам, ўйлайманки, сизлар ҳам унга қўшиласиз. Биз бугун ниманинг ҳисобидан эртанги кунга ишонч билан яшайпмиз? Авваламбор, ҳозирги ҳаётимиздан рози бўлиш ҳисобидан. Дарёдек тез оқиб ўтадиган умр ҳақида ўйлар эканмиз, бу дунёда инсондан нима қолади, қандай из қолади, деган фикр ҳаёлимизда чарх уради. Бу жаҳонда инсондан қоладиган энг ёруғ из – бу авваламбор фарзандлардир. Айниқса, ўзбек халқи биз учун энг катта бойлик – бу фарзанд деб жавоб беради, бутун ҳаётини уларнинг тарбиясига, бахту камолига бағишлайди.

Биз бундан чорак аср муқаддам, яъни 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигимизни қўлга киритиб, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган, озод ва эркин ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу йўлда қандай тарихий ишларни амалга оширдик, қандай залворли қадамларни қўйдик, эришилган

ютукларда бизнинг ҳиссамиз нимадан иборат бўлди? Энг муҳими, биз ўзимиздан қандай из қолдирмоқдамиз?

Бу ҳаётий саволларга жавоб берар эканмиз, бизнинг бугунги фарзандларимиз, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топган, Ватанимизнинг бугуни ва келажак истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бизнинг ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз бўлиб, ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган янги авлодимиз – бизнинг энг катта ютуғимиз, биз бошлаган ишларнинг муносиб давомчиларидир, деб ҳар қанча фахр билан гапирсак, арзийди, албатта.

Халқимизда «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади» деган мақол бор. Жуда зўр, топиб айтилган гап.

Бу ҳақда сўз юритганда, яна бир нарсага алоҳида ургу беришни истардим. Бир пайтлар чуқур инқироз туфайли жар ёқасига келиб қолган, иқтисодиёти заиф ва ночор бўлган Ўзбекистон ўтган 25 йил давомида қандай улкан марраларга эришди, бу ютуқлар ниманинг ҳисобидан қўлга киритилди, деган саволга жавоб битта: озодлик, мустақиллик туфайли биз шундай буюк натижаларга эришдик. Кеча ҳалокат ёқасида турган халқимиз бугун шундай эркин нафас оляптики,

мен бир вақтлар айтганимдек, озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган инсон ҳеч қачон ўз йўлидан қайтмайди, уни ҳеч ким эски ҳаётга қайтара олмайди.

Агар эътибор бериб қарайдиган бўлсак, илгари юртимизда ўн-ўн беш йилда биронта йирик воқеа содир бўлган бўлса, бугунги кунда мустақил мамлакатимизда ҳар ойда шундай улкан, тарихий воқеалар юз беряптики, уларни санаб чиқишнинг ўзи қийин. Масалан, кейинги бир неча ойнинг ўзида юртимиз ҳаётида илгари ҳеч тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тарихий воқеалар юз берганини кўрамиз.

Сизларга яхши маълум, куни кеча пойтахтимизда ўз ишини яқунлаган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити нафақат ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ҳаётида, айтилиши вақтда дунё миқёсида ҳам муҳим сиёсий воқеа бўлгани жаҳондаги нуфузли сиёсатчилар ва экспертлар томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раислигида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 15-юбилей саммити, ҳеч шубҳасиз, улкан тарихий воқеа бўлиб, ташкилот фаолиятида янги босқични бошлаб бергани алоҳида таъкидланмоқда. Бу ҳақда сиз бутун халқимиз қатори матбуотимиз, телевидение орқали

хабардор бўлдингиз. Шу сабабли бу воқеанинг тафсилотларига ортиқча тўхталиб, таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити олдидан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келгани, Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри боғлайдиган 123 километрлик Ангрен – Поп темир йўли ва 19 километрдан зиёд узунликдаги Қамчиқ туннели фойдаланишга топширилгани ҳақиқатан ҳам беқиёс тарихий воқеа бўлди. Хитойлик ҳамкорларимиз ёрдамида ана шу темир йўлни барпо этиш билан биз Ўзбекистонимизда ягона ва яхлит миллий темир йўл тизимини тўлиқ шакллантиришга эришдик. Энг муҳими, 10 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Фарғона водийси аҳолисининг ҳаётий манфаатларини, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари иқтисодиётининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш имконига эга бўлдик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мажлисида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш жараёни бошланди. Шунга эътибор беринг, бу икки давлат Ташкилотга аъзо бўлса, сайёрамизнинг 7 миллиардлик аҳолисининг 48 фоизи, яъни, деярли

тенг ярми ШХТга аъзо мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ана шундай тарихий воқеа Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида содир бўлди.

Ҳаммангиз гапимнинг мазмунини тўғри тушуняпсиз, деб ўйлайман. Сабаби – ана шу тарихий қарор қандай қийинчилик билан тайёрлангани, бу борада узоқ музокаралар олиб борилгани – ўзингиз кўрдингиз, икки кун ичида шахсан мен юқори мартабали 25 нафар раҳбар билан учрашдим – бу ҳам кўп нарсадан далолат беради. Шу нуқтаи назардан қараб айтадиган бўлсак, бу воқеа айнан Ўзбекистонда, Тошкентда рўй берган ҳодиса сифатида тарихда қолади.

Бунинг исботини нимада кўришимиз мумкин? Ҳозир бутун дунёни ларзага солаётган воқеа – бу Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан ажралиб чиқиш масаласи бўлиб қолди. Айни вақтда ШХТнинг Тошкент саммити, бу ерда кўрилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар бутун дунёнинг нигоҳини, эътиборини Тошкент шаҳрига, ушбу ташкилот мажлисига қаратди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ваганимизнинг халқаро майдонда мана шундай юксак эътибор ва эътироф топиши, табиийки, барчамизга, бутун халқимизга мамнуният ва ғурур етказади.

Дунё ҳамжамияти бизни тан олган, хурмат ва эҳтиром билдираётган, Ватанимиз ана шундай юксак нуфуз билан янада илгарилаб бораётган бир пайтда беихтиёр собиқ мустабид тузум даврида халқимиз бошидан кечирган азоб-уқубатлар, «пахта иши», «ўзбек иши» деган уйдирма ва тухмат гапларни ўйлаб топиб, эл-юртимизни ёмонотлиқ қилишга уриниб, бизга нисбатан қандай маломат тошлари ёғдирилган даврлар эсга тушади. Мен Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиб сайланганимда бутун юртимиз чидаш қийин бўлган ана шундай азоб-уқубат ва муаммолар олови ичида ёниб ётган эди. Биринчи раҳбар бўлиб СССРнинг қаерига бормайин, қайси мажлисда қатнашмайин, ҳамма жойда мана шундай гапларни эшитиш, ноҳақлик ва адолатсизлик оқибатларини кўриш Ўзбекистонни она Ватаним, менинг юртим деб яшайдиган ҳар қандай инсон учун албатта катта азоб эди. Буни фақат шу воқеаларни бошидан кечирган одам тушунади.

Бундай оғир вазиятдан чиқиш, уни тубдан ўзгартириш керак эди. Мустақилликка эришиш биз учун ҳаёт-мамот масаласига айланган эди. Гарчи мустақилликни 1991 йил 31 августда эълон қилган бўлсак ҳам, бунинг заминини яратиш йўлидаги ишларни биз

анча олдин бошлаганимиз сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Албатта, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида узок гапириш, бу борада тегишли рақам ва фактларни олиб келишимиз мумкин. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат кейинги 11–12 йил давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Бундай юксак натижа жаҳоннинг санокли давлатларида кузатишмоқда, холос. Ҳозирги кунда бутун дунё бизга қойил қолиб, Ўзбекистон деган бу давлат қаердан пайдо бўлди, бундай натижаларга у қандай эришяпти, деб ўз фикри, ҳайратини билдирияпти.

Бундай фикрларга жавобан, Ўзбекистон доим бўлган, ҳозир ҳам ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкам эгаллаб турибди, эртага бундан ҳам катгароқ марраларни забт этади, деб, баланд овозда, баралла айтишга тўла асосларимиз бор.

Биз шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўряпмиз. Биз – Яратганнинг назари тушган юртда яшайдиган халқмиз. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Буни мен бизнинг бошимизга қўнган бахт куши, буюк неъмат ифодаси, деб биламан ва бунинг қадрига албатта етишимиз керак.

Шукроналик туйғуси билан яшаш, Оллоҳга миннатдорлик билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак. Шунда бизни ҳеч қандай қийинчилик чўчита олмайди. Келгусида олдимизда турли муаммо ва қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Чунки ҳаёт ташвиш ва муаммосиз бўлмайди. Ана шу синовларни енгиб ўтишда биз аввало кимдан мадад сўраймиз? Ҳар ишга қодир Худодан, албатта. Ундан кейин ўзимизнинг кучимизга суянамиз.

Бу борада биз учун энг катта ҳакам – виждон деб ўйлайман. Фақат виждонли инсонгина бундай саволларга адолатли жавоб бериши мумкин. Агар инсоннинг ўзида виждон бўлмаса, ундан нимани ҳам кутиш мумкин?

Мен илгари ҳам айтган гапимни бугун яна такрорлаб айтмоқчиман. Халқимиз ҳамма нарсага чидайди, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда виждонли одамлар тобора кўпаймоқда, адолат янада кенг қарор топмоқда. Мана, ёшларимиз, янги авлод ўсиб, катта ҳаётга дадил кириб келяпти. Биз бу авлодга бағримизни кенг очиб, улар билан ғурурланиб яшашимиз керак. Ҳеч шубҳасиз, эртанги кун кимники – ёшларимизники. Биз уларнинг бундан ҳам тезроқ ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётимиздан ўз муносиб ўрнини эгаллаши

учун кўмак беришимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Бундай азму шижоатли ёшларга оқ фотиҳа бериб, «Болам, сени Ватан кутмоқда, ўзингни кўрсат!» деб катта ҳаётга йўлланма берсак, энг тўғри иш бўлади.

Бугун сизлар билан ҳаммамиз учун хурсандчилик бир кунда учрашиб турибмиз. Бу йил ғаллачиликда юртимизда энг биринчи бўлиб ким ўзини кўрсатди, деб сўрасангиз, Сурхон воҳаси деҳқонлари, деб жавоб бераман. Сурхондарё вилоятининг миришкор деҳқон ва фермерлари 670 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаришга эришгани билан сиз, азизларни, бутун вилоят меҳнаткашларини бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман.

Сизларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнат ҳисобидан эришган мана шундай улкан ғалабангизни эшитиб, тўғриси, ўзимда шундай бир мажбуриятни ҳис этдимки, бу ёққа келиб, ҳар бирингизнинг қўлингизни сиқиб, табриклагансам, раҳмат айтмасам, худдики ўзимни сизларнинг олдингизда қандайдир қарздор бўлиб қоладигандек сездим.

Мен ўзимнинг чиқишларимда «Ўзбек деҳқонининг ҳар бир куни, машаққатли меҳнати ҳақиқий қахрамонликдир» деган фикрни кўп бор айтганман. Бу сўзларни айтганда мен

бутун юртимиз деҳқонлари қатори Сурхон элининг ҳам мардона ва машаққатли меҳнатини ўзимга тасаввур қиламан. Ҳақиқатан ҳам, жануб қуёшининг жазирама иссиғида, афғон шамоли ва гармсел шамоллари эсиб турадиган ўта мураккаб шароитда мўл ҳосил ундирадиган Сурхондарё деҳқонлари ва фермерларининг ҳар бир куни ҳақиқий матонат ва мардлик намунасидир.

Вилоят бўйича ҳосилдорлик гектаридан 54 центнерни ташкил этганини, Сариосиё, Денов, Узун, Шеробод туманларида бу кўрсаткич 60 центнерга, Термиз, Музработ ва Қизирик туманларида эса 50 центнерга етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада Денов туманидаги «Шарофиддин», Жарқўрғон туманидаги «Абдумўмин Жўраев», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоктепа истиқболи», Шўрчи туманидаги «Нурмат Хўжақулов», Термиз туманидаги «Янгиарик», Қизирик туманидаги «Заркамар», Шеробод туманидаги «Бойсун чорбоғи» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ўртача ҳосилдорликни 75 центнерга етказиб, ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини амалда яна бир бор намоён этгани бу йил Худонинг ўзи омадимизни берганининг ёрқин натижаси, десам, ҳаммангиз шу фикрни қўллаб-қувватлайсиз, албатта.

Биз учун энг муҳим томони шундаки, ўриб-йиғиб олинган ғалланинг 58 фоиздан зиёди, яъни 390 минг тоннадан ортиғи фермер хўжаликлари, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилди. Ўйлайманки, бунинг аҳамиятини ноннинг кадр-қимматини биладиган халқимиз яхши тушунади. Бундан биринчи навбатда ким хурсанд бўлади? Авваламбор, мана шу ғаллани етиштирган механизаторлар, деҳқонларимиз, сувчиларимиз хурсанд бўлади. Мен ана шу инсонларга, бугунги ғалабага озгина бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшган барча-барча юртдошларимизга таъзим қилиб, уларга самимий миннатдорлигимни изҳор этиб, келгуси ишларида янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Кейинги йилларда Сурхон ёшлари орасидан ўнлаб-юзлаб ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият намояндалари, тадбиркор ва ишбилармонлар, истеъдодли санъаткорлар, спортчилар етишиб чиқаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Боя айтиб ўтганимдек, куни кеча мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити иштирокчилари учун катта концерт ташкил этилди. Ана шу концертда Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманида туғилиб катта бўлган, яъни сизларнинг орангиздан етишиб чиққан Самандар Алимов деган ёшгина операчи йигитимиз ўз маҳорати билан ҳаммани

қойил қолдирди. Ўзи оддий оиладан чиққан, Тошкентда консерваторияда ўқиб, таълим олиб, ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги академик театримизнинг солисти, Ўзбекистон халқ артисти даражасига кўтарилган Самандар каби йигит-қизларимизни бағримга босиб, билиб қўйинглар, сизлар – менинг болаларим, фарзандларимсиз, деб ғурур билан айтишдан ҳеч қачон чарчамайман ва уларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Мана шундай ёшларимизни кўрганда, авваламбор, уларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига, уларнинг парвозига қанот берган эл-юртига раҳмат айтишни ўз бурчим, деб биламан.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида қўлга киритаётган мана шундай оламшумул ютуқларимизни биз янада кўпайтиришимиз, янада мустаҳкамлашимиз даркор. Бунинг асосий шарти ва гарови битта: биз – Ўзбекистон халқи ягона бир оила бўлиб, ҳамфикр бўлиб яшашимиз ва ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан ҳеч қачон қайтмас-лигимиз зарур.

**Каримов, Ислом**  
К 25 Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди/  
И.Каримов. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 28 б.

ISBN 978-9943-28-772-3

УЎК 323.(575.1)  
КБК 66.3(5Ў)

*Расмий нашр*

***Ислом Абдуганиевич Каримов***

**ОЗОДЛИК ҲАВОСИДАН ТЎЙИБ  
НАФАС ОЛГАН ХАЛҚ ЎЗ ЙЎЛИДАН  
ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАЙТМАЙДИ**

Нашр учун масъул	<i>И. Аҳмедов</i>
Рассом-дизайнер	<i>Ш. Ходжаев</i>
Техник муҳаррир	<i>Б. Каримов</i>
Кичик муҳаррирлар:	<i>Д. Холматова, Г. Ерашиева</i>
Мусахҳиҳ	<i>М. Ишонхонова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>А. Сулаймонов</i>

Нашриёт лицензияси АИ №158. 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 15 июлда руҳсат этилди.

Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 1,75+0,5 вкл. Нашр табоғи 1,44+0,78 вкл.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 16-483.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)*

*[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*